

БАНАВ АЖБОРОННОМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 22 (525)

2006 йил 17 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМФАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодийнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг устав сармояси 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдорига бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилансин: Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига ташкил этилади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади; 1-иловага мувофиқ субъектлар Жамғарма муассислари ҳисобланадилар.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда Жамғарма қуйидагиларни амалга ошириши зарурлиги назарда тутилсин:

давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;

иқтисодийни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш; стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало иқтисодийнинг базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини кредитлаш;

ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажмларини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;

биринчи навбатда истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш;

республиканинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва ҳақон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқилишини таъминладиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модер-

низациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;

халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон ҳудудида ўзлари учун ғоят муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (қўшма молиялаштириш)дан манфаатдор бўлган халқаро ва хорижий жамғармалар ҳамда инвесторлар Ҳукумат қарорларига биноан Жамғарма ҳаммуассислари сифатида қўшилиши, мазкур молия институтларининг вакиллари Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркибига киритилиши мумкин.

5. Қуйидагилар Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

стратегик ресурсларга ҳақон нархларининг қулай конъюктураси натижасида, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлардан олинadиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида белгиланadиган айрим солиқ ва тўлов турлари бўйича ҳосил бўладиган қўшимча тушумлар;

Ҳукуматнинг хорижий валютадаги активларининг бир қисми;

(Давоми 2-бетда).

БУ СОНДА:

2

Лизинг операциясининг афзаллиги

6

Аудит натижалари: «Ҳамкорбанк» АТБ

7

Фермерчилик ривожини — давр талаби

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 16 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бохжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	938,54
1 Англия фунт стерлинги	2312,98
1 Дания кронаси	211,57
1 БАА дирҳами	332,28
1 АҚШ доллари	1220,31
1 Миср фунти	211,77
1 Исландия кронаси	17,34
1 Канада доллари	1097,89
1 Хитой юани	152,49
1 Кувайт динари	4220,34
1 Россия рубли	45,29
1 Украина гривнаси	241,65
100 Ливан фунти	81,19
1 Малайзия ринггити	338,98
1 Норвегия кронаси	203,71
1 Польша злотийси	405,46
1 Сингапур доллари	777,71
1 СДР	1831,70
1 Туркия лираси	872,09
1 Швеция кронаси	168,46
1 Швейцария франки	1019,22
1 ЕВРО	1576,88
10 Жанубий Корея вони	12,99
10 Япония иенаси	111,28

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори билан «Трастбанк» акциядорлик биржа банкнинг номи «Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банкига ўзгарганлиги муносабати билан унга банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия ва чет эл операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензия бланклари алмаштириб берилди.

Валютани тартибга солиш бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатларнинг бузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги, хусусан жисмоний ва юридик шахсларнинг банклардаги омонатларини бут сақланиши таъминланмаганлиги, омонатчилар ва кредиторлар манфаатига аниқ хавф туғдиргани учун «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ «Равнақбанк» хусусий очик акциядорлик-тижорат банкдан чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Марказий банкнинг Бош лицензияси жорий йилнинг 5 майдан қайтариб олинди.

ЎзР Марказий банки матбуот хизмати.

ИПОТЕКА ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасида ипотека ҳақидаги қонунчиликни шакллантириш ва ривожлантириш» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш йўлида миллий ва халқаро экспертларнинг ҳаракатларини бирлаштиришга ва унинг ривожидagi муҳим босқичларни белгилашга бағишланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ва БМТ Тараққиёт Дастурининг «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси билан биргаликда ташкил этилган мазкур семинарда Қонунчилик палатасининг депутатлари, бир қатор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари, Халқаро Молия корпорацияси, илмий-тадқиқот институтларининг вакиллари, олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари, ипотека кредитини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича мутахассислар иштирок этдилар. Улар «Ипотека тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини бандма-банд таҳлил қилиб, янги лойиҳа юзасидан ўзларининг назарий ва амалий фикрларини билдирдилар.

(Давоми 2-бетда).



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 16 май ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1230,00	1232,00	1577,00	1597,00
«Асака» банки	1230,00	1235,00	1590,00	1595,00
«Ўзсаноатқурилишбанк»и	1230,00	1235,00	1578,00	1588,00
«Пахта Банк»	1231,00	1235,00	1590,00	1595,00
«Халқ банк»и	1230,00	1234,00	1577,00	1591,00
«Ипотекабанк»	1230,00	1235,00	1585,00	1595,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1230,00	1235,00	1578,00	1591,00
«ЎзДЭУбанк»	1230,00	1235,00	1577,00	1592,00
«Ғаллабанк»	1230,00	1235,00	1577,00	1587,00
«Трастбанк» АББ	1230,00	1235,00	1577,00	1597,00
«Алп Жамол банк»	1230,00	1235,00	1589,00	1595,00
«Алокабанк»	1232,00	1234,00	1577,50	1601,50
«У-Т банк»	1233,00	1235,00	1577,00	1597,00
«Туронбанк»	1230,00	1235,00	1589,00	1596,00
«Савадогарбанк»	1230,00	1235,00	1577,00	1590,00
«Ипак йўли» банки	1230,00	1233,00	1589,40	1593,28
«Тадбиркорбанк»	1230,00	1233,00	1589,00	1593,00
«Туркистон» банк	1230,00	1232,00	1570,00	1590,00
«Даврбанк»	1230,00	1234,00	1590,00	1605,00
«Кредит-Стандарт» банки	1230,00	1235,00	1577,00	1595,00
«Капитал банк»	1230,00	1235,00	1577,00	1600,00
«Содерат банк»	1230,00	1234,00	1577,00	1597,00
«Ҳамкор» банк	1230,00	1232,00	1577,00	1597,00
«Универсалбанк»	1231,00	1235,00	1590,00	1595,00
«Парвинабанк»	1233,00	1235,00	1578,00	1593,00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ

2006 йил 17 январ

№ 1/10

Тошкент ш.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ВА ШИФРЛАШ КАЛИТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 13 мартда 1553-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 23 мартдан кучга киради

«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 11 декабр 563-11-сонли «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сонли «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кундан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур Қарор кучга киритилиши билан Марказий банк Бошқарувининг 2000 йил 2 сентябрдаги «Ўзбе-

кистон Республикаси банк тизимида электрон архив ишларини юритиш тўғрисида»ги йўриқнома ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисоб-китоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация калитларидан фойдаланиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 16/4-сонли Қарори билан тасдиқланган 478-сонли (Адлия вазирлигида 2000 йил 16 сентябр 991-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисоб-китоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация калитларидан фойдаланиш тартиби» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Марказий банк Бошқарувининг 2000 йил 2 сентябрдаги 16/4-сонли Қарорининг номи ва 1-бандидан «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисоб-китоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация калитларидан фойдаланиш тартиби» сўзлари чиқариб ташлансин.

Марказий банк Раиси

Ф.М. МУЛЛАЖОНОВ

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви томонидан
2006 йил 17 январдаги 1/10-сонли
Қарори билан тасдиқланган
№ 632**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ВА ШИФРЛАШ КАЛИТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сонли «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банк телекоммуникация тармоғи орқали электрон ҳужжатларнинг узатилиши ва қабул қилинишида электрон маълумотларни муҳофаза қилиш, электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш ва уларнинг сақланиши-

ни тўғри ташкил этиш тартибини белгилайди.

Барча банк телекоммуникация тармоғи иштирокчилари мазкур Низом талабларига амал қилишлари мажбурийдир.

I. Умумий қисм

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

банк телекоммуникация тармоғи иштирокчиси - Марказий банкнинг мулки ҳисобланган банк телекоммуникация тармоғи орқали шартнома асосида электрон ҳужжатларни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш ҳуқуқи берилган молия ташкилотлари;

электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақам-

ли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзонинг очиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш - электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилигини ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа;

электрон ҳужжат - электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот;

электрон идентификатор - электрон рақамли имзо калити ёзилган техникавий восита;

бош бухгалтер электрон рақамли имзоси - банк тизимида электрон ҳужжатларни тасдиқлаш учун доимий қўлланиладиган электрон рақамли имзо;

бош бухгалтер захира электрон рақамли имзоси - доимий электрон рақамли имзо (электрон идентификатор)ни қўллашда техник носозликлар келиб чиққан вазиятларда вақтинча қўлланиладиган электрон рақамли имзо;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати - электрон рақамли имзонинг очиқ калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжатдир;

сертификатнинг реестри - рўйхатга олинган сертификатлар мажмуаси;

шифрлаш - ахборотни махсус алгоритм ёрдамида ўзгартириш;

шифрлаш калити - ахборотни шифрлаш ва шифрдан ечиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

II. Электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларининг қўлланилиши

2. Электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитлари электрон ҳужжатларнинг аслига тўғрилигини таъминлаш ва ташқи муҳит таъсиридан муҳофазалаш мақсадида қўлланилади.

3. Бош бухгалтернинг электрон рақамли имзоси электрон идентификаторда ёки бошқа турдаги махсус қурилмаларда ёзилган бўлиши мумкин.

4. Банк телекоммуникация тармоғи орқали узатилаётган электрон ҳужжат махсус техник-дастурий му-

ҳофазалаш қурилмаси ёрдамида электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитлари қўлланилган ҳолда муҳофазаланади.

III. Электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларини яратиш

5. Шифрлаш калитлари махсус аппарат-дастурий қурилмалар ёки дастурий йўл билан яратилади.

Электрон рақамли имзо калитларини яратиш ҳамда электрон рақамли имзо очиқ калитларини фойдаланувчиларига тақдим этиш ишлари Рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

6. Рўйхатга олиш маркази Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда ташкил этилади.

Тижорат банклари ушбу Рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзо сертификатларига асосан электрон ҳужжат ахборотларини муҳофазалаш ишларини ташкил қиладилар.

7. Марказий банк ва унинг Худудий Бош бошқармалари, Ҳисоб-китоб касса марказлари, Тижорат банклари, Валюта биржаси, Республика инкассация бирлашмаси, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Рўйхатга олиш марказининг фойдаланувчилари ҳисобланади.

8. Электрон рақамли имзо калитлари Рўйхатга олиш маркази ёки фойдаланувчи томонидан сертификатланган махсус техникавий ва дастурий воситалар мажмуи ёрдамида яратилади.

IV. Электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрини юритиш

9. Электрон рақамли имзо калитлари сертификатларини бериш Рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо калитлари сертификатининг реестри юритилади.

11. Тижорат банклари, Марказий банк Худудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса маркази, Валюта биржаси, Давлат белгиси ишлаб чиқариш бирлашмаси, Инкассация бирлашмаси Марказий банк Рўйхатга олиш марказига яратилган электрон рақамли имзо калитларининг сертификатларини олиш учун ҳужжатлар тўпламини тақдим этади.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Рўйхатга олиш марказининг ваколатли ходими электрон рақамли имзо калитлари сертификатларини умумлаштиради.

13. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати электрон рақамли имзо рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 12 ойдан ошмаслиги керак. Кейинчалик электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати шартнома билан узайтирилади, бироқ икки мартадан ортиқ узайтирилмайди.

14. Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификати рўйхатга олиш маркази ваколатли ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

15. Қоғоз кўринишидаги электрон рақамли имзо калити сертификати икки нусхада расмийлаштирилади. Бундай сертификатнинг нусхалари рўйхатга олиниб, ваколатли ходим томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг бир нусхаси электрон рақамли им-

зонинг ёпиқ калити эгасига берилади, бошқа нусхаси эса Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказида сақланади.

16. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; агар электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси юридик шахснинг вакили бўлса, шу юридик шахснинг номи;

унинг тартиб рақами ва амал қилиш муддати;

электрон рақамли имзонинг очик калити;

электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланишда ёрдам бериши мумкин бўлган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

мазкур сертификатни берган рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган манзили;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатлари реестрининг электрон манзили.

17. Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ташаббуси билан электрон рақамли имзо калити сертификатида бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

V. Электрон рақамли имзо калитларини ишга тушириш

18. Рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзо очик калитлари сертификатлар реестрига киритилиб, Марказий банк Ахборотлаштириш Бош маркази ҳамда тижорат банкларига юборилади ва белгиланган кундан бошлаб ишга туширилади.

19. Бош тижорат банклари томонидан иш куни бошида Марказий банк Рўйхатга олиш маркази томонидан юборилган сертификатлар реестри белгиланган тартибда янгиланади.

VI. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси

20. Электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига электрон рақамли имзо калити сертификати берилган жисмоний шахс электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси бўлади.

21. Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши тўғрисида рўйхатга олиш марказига хабар қилиши шарт.

VII. Электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг жавобгарлиги

21. Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан рухсатсиз фойдаланиш туфайли етказилган зарар учун тегишли электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси олдида жавобгар бўлади.

VIII. Электрон рақамли имзо очик калитининг

фойдаланувчиси

22. Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси бўлиши мумкин.

23. Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига тегишлилигини ва электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига мурожаат этиши мумкин.

24. Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар беради.

IX. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш

25. Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси асосида рўйхатга олиш маркази томонидан бекор қилиниши мумкин.

26. Рўйхатга олиш маркази, электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг розилигидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиши шарт, агар:

мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилишига асос бўлган ҳужжатнинг амал қилиши тугатилганлиги аниқ маълум бўлса;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган ҳоллар аниқланган бўлса.

27. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати тугаган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг уни қайта тиклаш ҳақида аризаси бўлмаган тақдирда ҳам электрон рақамли имзо калитининг сертификати бекор қилиниши керак.

28. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси олинган ёки ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида баён қилинган ҳолатлар юзага келган кунда рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

29. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги ёзув рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига киритилиб, бу ҳақда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси хабардор қилинади.

X. Электрон рақамли имзо ва шифрлаш калитларидан фойдаланиш

30. Банк телекоммуникация тармоғи орқали узатилаётган электрон ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва шифрланган бўлиши шарт.

Электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган ва шифрлаш жараёнидан ўтмаган электрон ҳужжатлар қайта ишлаш учун қабул қилинмайди.

31. Банк телекоммуникация тармоғи иштирокчиси ўзи жўнатган электрон ҳужжат электрон рақамли имзосиз ёки электрон рақамли имзоси мос келмаганлиги тўғрисида маълумот олганида, зудлик билан му-



№ 21, 2006 й., май

аммони ҳал этиши ва электрон ҳужжатни қайтадан жўнатиши лозим.

32. Марказий банк аппарати, Марказий банк Худудий Бош бошқармалари раҳбар ходимлари томонидан электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити ҳужжатлар айланмаси (документ оборот) учун ишлатилади.

33. Бош бухгалтер электрон рақамли имзосининг ёпиқ калити ва электрон рақамли имзосининг захира ёпиқ калити сейфда сақланиши шарт ҳамда уни бошқа ходимларга фойдаланиш учун берилиши қатъиян ман қилинади.

34. Рўйхатга олиш марказининг электрон архив ишлари учун жавобгар ходими муддати тугаган ва ўз кучини йўқотган электрон рақамли имзоларнинг очик калитларини архивлаштириб, ташқи сақловчи воситаларга кўчириши шарт.

35. Электрон ҳужжатни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш жараёнида муаммолар келиб чиққан вазиятларда (электрон имзо ёки электрон имзо кўювчи техник восита бузилганида) электрон рақамли имзо калити сертификати эгаси Марказий банкка ёзма равишда маълумот беради. Ушбу маълумотда муаммонинг сабаблари аниқ кўрсатилади ва «захира элект-

рон рақамли имзо» дан фойдаланишга рухсат сўралади.

36. Захира электрон рақамли имзодан уч иш кунидан узоқ муддатда фойдаланиш тақиқланади.

37. Тижорат банкларида электрон рақамли имзо (электрон рақамли имзо калити бузилганда, йўқотилганда ва шу каби бошқа ҳолатларда) белгиланган даврдан илгари янгиллаши учун Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига аввал телефон орқали, сўнгра ёзма равишда маълумот берилади. Ушбу маълумотда электрон рақамли имзонинг янгиланиш сабаблари батафсил кўрсатилади.

38. Мазкур Низом талаблари асосида электрон рақамли имзодан фойдаланиш ва унинг сақланиши учун банк телекоммуникация тармоғи иштирокчиси раҳбарияти жавобгардирлар.

Келишилган:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари **А. ИЗБОСАРОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 18 апрелда 611-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги тахрирда)ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартиби»га (1999 йил 22 январда 611-

сон билан давлат рўйхатига олинган. Меъёрий ҳужжатлар Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон.) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Раиси **Ф.М. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент шаҳри
2006 йил 8 апрел
№ 9/4

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви
Қарорига илова
2006 йил 8 апрел № 35-3**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 4-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Корхоналарнинг кассаларига чет эл валютасини қабул қилиш ушбу Тартибга 1-шаклдаги иловага мувофиқ кирим касса ордерлари орқали амалга оширилади».

2. 5-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Корхоналарнинг кассаларидан чет эл валютасини бериш ушбу Тартибга 2-шаклдаги иловага мувофиқ, олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида берилган чиқим касса ордерлари орқали амалга оширилади».

3. 7- банддаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

4. 37- банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 1 ва 2- шаклдаги иловаларга мувофиқ 1 ва 2- шаклдаги иловалар киритилсин.

6. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

**Ўзбекистон республикаси
Молия вазири** **Р. С. АЗИМОВ**
Тошкент шаҳри
2006 йил 8 апрел
№ 38

_____ (корхонанинг номи)

ОКУД бўйича коди _____

КИРИМ КАССА ОРДЕРИ № _____

Кун	Ой

Алоқаланувчи ҳисобварақ, иккиламчи ҳисобварақ	Аналитик ҳисоб хос рақами	Суммаси	Мақсадли фойдаланиш хос рақами

_____дан қабул қилинди
_____даги чет эл валютаси
(номи, номинал бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Асос _____

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг операцияни амалга оширилган кундаги курси _____
Миллий валютадаги эквиваленти _____ сўм. _____ тийин.

(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Илова _____

Бош бухгалтер (ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс) _____
Қабул қилиб олган кассир _____

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса
операцияларини юритиш Тартибига киритилган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса
операцияларини юритиш Тартибига
1-илова

“НАМУНА”

_____ (корхонанинг номи)

№ _____ кирим касса ордерига
КВИТАНЦИЯ

_____дан қабул қилинди
_____даги чет эл валютаси

_____ (номи, номинал бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Асос _____

_____ (ёзув билан)

“_____” _____ 200__ й.

М. Ҳ.

Бош бухгалтер
(ёки унинг вазифасини
бажарувчи шахс) _____
Кассир

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга 2-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига 2-илова

«НАМУНА»

_____ (корхонанинг номи)

ОКУД бўйича коди _____

ЧИҚИМ КАССА ОРДЕРИ № _____

Кун	Ой

Алоқаланувчи ҳисобварақ, иккиламчи ҳисобварақ	Аналитик ҳисоб хос рақами	Суммаси	Мақсадли фойдаланиш хос рақами

_____ га берилсин
(фамилияси, исми, шарифи)

_____ даги чет эл валютаси
(номи, номинал бўйича ёзув ва рақамларда)

Асос: _____

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг операцияни амалга оширилган кундаги курси _____
Миллий валютадаги эквиваленти _____ сўм. _____ тийин.
(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Илова _____

Раҳбар _____ Бош бухгалтер _____


_____ даги чет эл валютасини қабул қилиб олдим
(номи, номинал бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Миллий валютадаги эквиваленти _____ сўм. _____ тийин.
(суммаси ёзув ва рақамларда)

« _____ » _____ 200 _____ й. Имзо _____

_____ (олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат номи, рақами, берилган жойи ва вақти)

Кассир _____ томонидан берилди.



ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор давлатнинг жаҳон иқтисодиётидан айри ҳолда, хорижий сармоясиз иқтисодий тараққиётга эришиши бугунги кунда қийин масала. Дунёдаги кўпчилик ривожланиш йўлига ўтган давлатларнинг тараққиёт тарихи хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни қайта қуриш, модернизациялаш ва юксалтиришдаги ўрни ниҳоятда катта эканлигини кўрсатди.

Инвестиция жараёнининг иштирокчилари, бу ҳоҳ хорижий, ҳоҳ маҳаллий инвестор ёки бу инвестицияларни қабул қилиб олаётган томон бўлсин, фойда олиш мақсадида ҳаракат қилади. Бу ерда томонларнинг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муҳим масала. Бу манфаатлар фойда даражаси, риск даражаси, рағбатлантириш ва кафолатлар юзасидан бўлади.

Баъзан мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида инвестицияларни қабул қилаётган томон тўғридан-тўғри инвестицияларнинг иқтисодиётнинг баъзи соҳаларига ёки баъзи фаолият турларига киришини тақиқлаб ёки чегаралаб қўяди. Масалан, баъзи давлатларда банк секторига ёки матбаачиликка чет эл инвестицияларини киритишга рухсат этилмайди. Баъзи ривожланган давлатларда эса инвестициялар киритиш учун шу давлат томонидан бир қанча шартлар илгари сурилади. Бу шартлар ишлаб қилариш жараёнида албатта мамлакат ичкаридаги хом ашёдан фойдаланиш, ижтимоий объектларни қурилишида иштирок

этиш ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

Хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолиятнинг катта ҳажми нодавлат мулкига асосланган хўжалик субъектларига тўғри келади. Зеро, яратилган ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми ҳам нодавлат секторига тўғри келади.

Республикада кейинги йилларда олиб борилган таркибий ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда нодавлат сектори улушининг кескин ортишига эришилди. Бу кўрсаткич республикада 2005 йилда 75,8 фоизни ташкил қилди. Мос равишда инвестициялашда ҳам нодавлат секторининг улуши ошиб, бозор механизмнинг яхши ишлаши натижасида, инвестицияларнинг самардорлиги ошмоқда ва корпоратив бошқарув таъминлаб борилмоқда. Нодавлат сектори ичида айниқса чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар алоҳида аҳамият касб этади. Бу корхоналарнинг 2005 йилда яратилган ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6,8 фоизни ташкил қилган, чет эл инвестициялари ва

кредитлари сифатида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши эса 19,2 фоизни ташкил қилган.

Республикада хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони бугунги кунда 3470 дан ортиқ (2006 йил 1 январига). Албатта, бу корхоналар республикамиз иқтисодиётининг ривожланишида ўзига хос салмоқли ўринга эга.

Республикамизнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқадиган бўлса бу соҳадаги имкониятлар тўла ишга солинган деб бўлмайди. Айниқса, бу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари яратиб берилаётган имкониятлардан тўла фойдаланаяпти деб бўлмайди. Шунинг учун иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида хорижий инвестицияларни кичик тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масаласи долзарблигича қолмоқда.

2005 йил давомида республикада асосий капитални кўпайтиришга 3012,9 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилган, бу кўрсаткич 2004 йилда 2473,2 млрд. сўмни, 2003 йилда 1867,4 млрд. сўмни ташкил қилган, ўсиш суръ-

ати 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилади.

Лекин, шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, асосий капиталга киритилган инвестициялардаги бу ўсиш асосан корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда. Чет эл инвестициялари ва кредитларнинг фоиздаги улуши кейинги йилларда камайиб бормоқда. Кейинги уч йилда республикада чет эл инвестициялари ва кредитларини ўзлаштириш ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2004 йилда 512,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2005 йилда 577 млрд. сўмни ташкил қилган.

Асосий капиталга қўйилган инвестицияларни амалга оширишдаги чет эл инвестицияларнинг улуши Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятидаги республика ўртача кўрсаткичларидан баланд бўлган. Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида бу кўрсаткич 5 фоизга ҳам етмайди.

Энди ташқаридан жалб қилинган инвестиция ва кредит маблағларининг иқтисодиёт тармоқлари ўртасида тақсимланишига назар солса, ёниги ва транспорт алоқа соҳасининг улуши кейинги уч йилда ошиб борганини кўришимиз мумкин.

Хорижий инвесторларни жалб қилишда ва улар иштирокидаги корхоналарни молиялашда банкларнинг фаол қатнашиши реал иқтисодий ўсиш таъминловчи асосий омиллардан биридир. Ҳозирги даврда мамлакатимизда юритилаётган кредит (инвести-

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИДА ҲУЖЖАТЛИ ТЎЛОВЛАР

Ҳозирда ривожланган давлатларнинг хўжалик амалиётида ҳужжатли тўловлардан кенг кўламда ва устувор тарзда фойдаланилмоқда. Бунинг қуйидаги асосий сабаблари мавжуд:

1. Ҳужжатли тўловларда тўлов суммасининг кафолатланганлик даражасининг нисбатан юқори эканлиги.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов суммаси тўлиқ қафолатланган. Бунда тўлов суммаси банкдаги алоҳида ҳисобрақамида депонентланади ёки тўлов юзасидан кафилиликни банк ўз зиммасига олади. Инкассода эса, тижорат банки товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни тўловчига фақат тўлов амалга оширилгандан кейин беради. Бу эса, тўловчини маълум даражада тўловни ўз вақтида амалга оширишга мажбур қилади. Чунки тўлов амалга оширилмаса, тўловчи товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни, демакки, товарларни ҳам ололмайди. Лекин, шу ҳолатни алоҳида эътироф этиш жоизки, 1932 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан қабул қилинган "Инкассо бўйича халқаро умумлаштирилган қоидалар"да тўлов юзасидан иккала банкнинг, яъни мол етказиб берувчининг банки ҳам, тўловчининг банки ҳам жавобгар эмаслиги белгилаб қўйилган.

2. Соф инкассода ҳам, ҳужжатлаштирилган инкассода ҳам узатма тижорат векселларидан, яъни тратталардан эркин, чекловларсиз фойдаланиш мумкин. Бу эса, хўжалик субъектлари ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

3. Ҳужжатли тўловларни амалга оширишнинг мукамал ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги. Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов суммаси депонентланиши мумкин ва ҳақиқатда товар ҳужжатлари келиб тушмагунга қадар ушбу маблағдан фойдаланиб бўлмайди. Бундан ташқари, аккредитивлар бўйича тўловни амалга ошириш манбалари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ ўз аксини топган. Яъни, аккредитивлар тижорат банкининг тўлов юзасидан кафилиги сақланган ҳолда, урта манба ҳисобидан тўланиши мумкин:

- тўловчининг жорий ҳисобрақамидаги маблағлар ҳисобидан;
- тижорат банкининг овердрафт кредитлари ҳисобидан;
- тижорат банкининг муддатли кредитлари ҳисобидан.

Бизга маълумки, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ўз ичига соф тўловларни ва ҳужжатли тўловларни олади. Ўз навбатида, соф тўловларга тўлов топшириқномалари ва чеклар воситасидаги ҳисоб-китоблар, ҳужжатли тўловларга эса, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва инкассо воситасидаги ҳисоб-китоблар киради.

Республикада тўлов тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳужжатли тўловлар тизимидан фойдаланишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Улардан асосийлари сифатида, фикримизча, қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Республикада тижорат банклари томонидан очилган аккредитивлар суммасининг тўловлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан кичиклиги. Бу ҳолатни Хоразм вилояти мисолида кўриб чиқамиз.

Давлат тижорат Халқ банки Хоразм вилоят филиали орқали ўтган нақд пулсиз тўловларнинг таркиби ва динамикаси¹

(Фоизда)

Кўрсаткичлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2005 йилда 2003 йилга нисбатан ўзгариши, пункт
1. Тўлов талабноналари	26,0	21,2	20,3	-5,7
2. Тўлов топшириқномалари	37,3	47,4	41,7	4,4
3. Ҳисоб-китоб чеклари	-	-	-	-
4. Аккредитивлар	-	-	-	-
5. Инкассо	36,7	31,4	38,0	1,3
Пуллик тўловлар-жами	100	100	100	x

Жадвалдан кўринадики, Хоразм вилоят Халқ банки орқали ўтган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар таркибида ҳисоб-китоб чеклари ва ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасидаги ҳисоб-китоблар мавжуд эмас.

Ушбу ҳолат аккредитивлар воситасидаги ҳисоб-китобларни мамлакатимиз хўжалик амалиётида ривож топмаганлигидан далолат беради.

2. Аккредитив суммасини алоҳида ҳисобрақамида депонент қилиш амалиётидан кенг кўламда фойдаланилаётганлиги ва бунинг натижасида корхона ва ташкилотларга тегишли пул маблағларининг сезиларли қисмини уларнинг хўжалик оборотидан чиқиб қолаётганлиги.

Ҳужжатлаштирилган аккредитив воситасидаги ҳисоб-китобларда тўлов суммасини алоҳида ҳисобрақамида депонент қилиниши, биринчидан, корхонанинг жорий ликвидлилик даражасига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради; иккинчидан, тижорат банкларига юқори даражада даромад олиш имконини бермайди. Ривожланган давлатларнинг банк амалиётида ҳужжатлаштирилган аккредитивлар қўйиш тижорат банклари учун юқори даромад келтирувчи операция

ларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимидаги аҳамиятини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат векселлари муомаласини мамлакатимизнинг хўжалик амалиётига жорий қилиш лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, хўжалик субъектлари ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик миқдорини кескин қисқартириш имкони юзага келади; иккинчидан, соф инкассо воситасидаги тўловлар шаклланади ва бу ҳолат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ошишига олиб келади.

2. Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасидаги ҳисоб-китобларда тўлов суммасини депонентлаш амалиётининг кўламини сезиларли даражада қисқартириш лозим. Бунинг учун эса, тижорат банкларида корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолаш тизими жиддий тарзда такомиллаштирилиши лозим. Республикада олимлари томонидан банкларнинг мижозларини тўловга қобиллигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш хусусида билдирилаётган фикрларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борада мамлакатимиз банкларида бир қатор муаммолар мавжуд. Агар ушбу муаммолар ҳал қилинмаса, у ҳолда, таъминланмаган аккредитивлар ҳажмини ошириш тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига кучли салбий таъсир қилади. Чунки, тижорат банклари томонидан мижозларнинг фойдасига таъминланмаган аккредитив очиш юқори рискли операция ҳисобланади. Халқаро Базел кўмитасининг экспертлари бундай аккредитивларнинг риск даражасини 10 фоиз қилиб белгилаган. Демак, таъминланмаган аккредитивлар ҳажмини кескин ошириш тижорат банкнинг ликвидлигини пасайишига олиб келади. Бунинг устига, мижозларнинг тўловга қобиллиги хусусида аниқ ва ишонарли ҳулосаларни шакллантириш имконияти мавжуд бўлмаса, мазкур ҳолат тижорат банкларининг молиявий ҳолатининг ҳам ёмонлашишига олиб келади.

3. Республикада хўжалик амалиётида соф инкассо воситасидаги ҳисоб-китобларнинг мавжуд эмаслиги.

Мамлакатимизда векселлар муомаласининг мавжуд эмаслиги инкассо воситасидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини бермайди. Бунинг сабаби шундаки, соф инкассода фақат оддий ва ўтказма тижорат векселлари инкассога қабул қилинади.

Бизнинг фикримизча, ҳужжатли тўлов-

**Сардор ЮСУПОВ,
ДТ Халқ банкининг Хоразм
вилояти Гурлан тумани филиали
бошқарувчиси.**

¹ ДТ Халқ банки Хоразм филиалининг баланс маълумотлари асосида ҳисобланди.

